

## Oriental Journal of Education



### IMPACT OF SHANGHAI COOPERATION ORGANIZATION EXPANSION ON CENTRAL ASIAN AND SOUTH ASIAN COOPERATION

*Khilola Islamovna Mustapova*

*senior lecturer*

*Tashkent State University of Oriental Studies*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [hilolamustapova@mail.ru](mailto:hilolamustapova@mail.ru)*

#### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Gwadar, seaport, energy, trade corridor, counter-terrorism structure, observer status, economic initiative, multilateral cooperation, international terrorism

**Received:** 20.04.24

**Accepted:** 22.04.24

**Published:** 24.04.24

**Abstract:** This article examines the role of the Shanghai Cooperation Organization in the modern system of international relations, issues of the organization's council, India and Pakistan becoming full members of the SCO, and prospective directions of cooperation between these countries. Issues related to the development of cooperation in the trade, energy, investment, transport, finance, and tourism sectors of the member states will be discussed. India and Pakistan having the status of equal members of the SCO will expand the organization's capabilities and serve to further increase the role of the organization as a multilateral mechanism for solving current problems in the international arena, ensuring safe and stable development in the region and the whole world. The Shanghai Cooperation Organization is India's main tool for multilateral cooperation in Central Asia.

### ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ КЕНГАЙИШИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

*Ҳилола Исломова Мустапова*

*катта ўқитувчи*

*Тошкент давлат шарқишунослик университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [hilolamustapova@mail.ru](mailto:hilolamustapova@mail.ru)*

#### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар.** Гвадар, денгиз порти, энергетика, савдо йўлаги, аксилтеррор тузилма, кузатувчи мақоми, иқтисодий

**Аннотация:** Ушбу мақолада Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги роли,

ташаббус, кўп томонлама ҳамкорлик, халқаро терроризм

ташкilotнинг кенгайиши масалалари, Ҳиндистон ва Покистон ШХТнинг тўлақонли аъзолари мақомини олишди ва ушбу давлатларнинг истикболли ҳамкорлик йўналишлари тадқиқ этилади. Аъзо давлатларнинг савдо, энергетика, инвестиция, транспорт, молия, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар муҳокама этилади.

Ҳиндистон ва Покистон ШХТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси мақомига эга бўлиши ташкilotнинг имкониятларини кенгайтириб, халқаро майдонда долзарб муаммоларни ҳал қилиш, минтақада ва бутун дунёда хавфсиз ҳамда барқарор тараққиётни таъминлайдиган кўп томонлама механизм сифатида ташкilotнинг ролини янада оширишга хизмат қилади. Шанхай ҳамкорлик ташкilotи Ҳиндистон учун Марказий Осиёдаги кўп томонлама ҳамкорликнинг асосий воситаси ҳисобланади.

## ВЛИЯНИЕ РАСШИРЕНИЯ ШАНХАЙСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА НА СОТРУДНИЧЕСТВО В ЦЕНТРАЛЬНОЙ И ЮЖНОЙ АЗИИ

*Хилола Исламовна Мустапова*

*старший преподаватель*

*Ташкентский государственный университет востоковедения*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [hilolamustapova@mail.ru](mailto:hilolamustapova@mail.ru)*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Гвадар, морской порт, энергетика, торговый коридор, антитеррористическая структура, статус наблюдателя, экономическая инициатива, многостороннее сотрудничество, международный терроризм

**Аннотация:** В статье рассматривается роль Шанхайской организации сотрудничества в современной системе международных отношений, вступления Индии и Пакистана в полноправные члены ШОС, а также перспективные направления сотрудничества между этими странами. Будут обсуждены вопросы, связанные с развитием сотрудничества в торговом, энергетическом, инвестиционном, транспортном, финансовом и туристическом секторах государств-членов. Получение Индии и Пакистаном статуса равноправных членов ШОС не только расширит возможности организации, но и послужит дальнейшему повышению роли ШОС как многостороннего механизма решения актуальных проблем на международной арене, обеспечения безопасности и стабильного развития в регионе и во всем мире. Шанхайская организация

сотрудничества является важным инструментом многостороннего сотрудничества Индии в Центральной Азии.

## КИРИШ

Ҳозирда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) бутун Евросиёда йирик геостратегик, хавфсизликка оид ва иқтисодий ташаббусга айланди. 2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлиб ўтган Саммитда ташкилотнинг доимий фаолият юритувчи органи — Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ташкил қилиниб, хавфсизлик кенгашлари котибларининг учрашуви йўлга қўйилган. ШХТ ҳузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги низом имзоланиб, Покистон, Ҳиндистон, Эрон ва Мўғулистон кузатувчи мақомига эга бўлдилар. Ҳиндистон дастлаб Ташкилотга кузатувчи сифатида аъзо бўлиб, босқичма-босқич тўлақонли аъзо давлатга айланди. Дарҳақиқат, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ҳиндистон учун Марказий Осиёдаги кўп томонлама ҳамкорликнинг асосий воситаси ҳисобланади. 2017 йилда Ҳиндистон ва Покистон ШХТнинг тўлақонли аъзолари мақомини олишди. Остона (ҳозирги Нурсултон) саммити Евросиёда минтақавий ҳамкорлик учун муҳим кадам бўлди. Марказий Осиёдаги барча давлатлар ва Россия Ҳиндистоннинг ШХТга тўлақонли аъзо бўлганлигини қўллаб-қувватлади. Ташкилотга аъзолик Ҳиндистонга нафақат минтақа давлатлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, балки Марказий Осиёда Хитойга нисбатан манфаатларини ҳимоя қилиш имконини ҳам берди.

## АСОСИЙ ҚИСМ

2017 йил 9 июнда бўлиб ўтган ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Остона саммитида кўп йиллик музокаралар натижасида бирданига икки ядровий давлатнинг ташкилотга қўшилиши муҳим тарихий воқеа бўлди. Ушбу давлатлар ташкилотга тўлақонли аъзо бўлиши учун икки йил вақт сарфланди. Бу икки давлат ташкилотнинг барча шартларини бажариб, ШХТнинг тўлақонли аъзосига айланди. Бундан ташқари, ушбу воқеа ташкилот тарихида биринчи кенгайиш ҳисобланади. Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга қабул қилиниши ташкилотнинг нуфузини янада оширди, шу билан бирга, Нью-Дехли ва Исломободга халқаро терроризм билан самарали кураш олиб бориш ва Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқаларини янада ривожлантириш имконини яратди.

Айтиб ўтиш жоизки, Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга қабул қилиниши ташкилот учун эҳтимолий қарор эмас. Ушбу жараён бошланишидан аввал ташкилотнинг кенгайиш механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқий базасини такомиллаштириш юзасидан кўп ишлар амалга оширилди. 2015 йилда ШХТга Ҳиндистон ва Покистонни аъзо қилиш жараёнлари бошланиши ҳақидаги қарор қабул қилинган эди. Халқаро ташкилотнинг 2016 йилда Тошкентда бўлиб ўтган саммитида бу икки давлат билан ШХТ аъзоси мақомини олиш учун

мажбуриятлар тўғрисидаги меморандум имзоланди. 2016 йилдаги Тошкент саммити ташкилот тарихида ҳам энг самарали саммитлардан бири бўлди. Унда 11 та хужжат имзоланди. Ушбу масала юзасидан сиёсий фанлар доктори О.Сирожов шундай ёзган эди: «Айнан Ўзбекистоннинг самарали фаолияти натижасида Покистон ва Ҳиндистонни ташкилотга аъзоликка қабул қилиш жараёни бошланди. Бунинг учун икки давлат раҳбарлари ташкилотга аъзолик мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумни имзоладилар. Бу эса икки давлат ўртасида йиллар мобайнида мавжуд бўлган душманлик ҳолатини йўқотиш учун улкан қадам бўлиб хизмат қилди. Чунки, айнан Тошкентда икки давлат раҳбарлари бир стол атрофида жамланиб, дўстлик ришталарини боғлашга келишиб олдилар».

Ҳиндистон ва Покистон ШХТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси мақомига эга бўлиши ташкилотнинг имкониятларини кенгайтириб, халқаро майдонда долзарб муаммоларни ҳал қилиш, минтақада ва бутун дунёда хавфсиз ҳамда барқарор тараққиётни таъминлайдиган кўп томонлама механизм сифатида ташкилотнинг ролини янада оширишга хизмат қилади. ШХТга аъзолик Ҳиндистон ва Покистонга ҳозирги дунё тартиботида муҳим актёр бўлиш имконини берди. Ушбу платформа иккала давлатнинг мунозарали масалаларни четлаб ўтиши ва томонлар учун манфаатли соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришига асос бўлади. Бунга Уфа саммитида Покистон бош вазири Навоз Шариф ва Ҳиндистон бош вазири Нарендра Моди томонидан амалга оширилган учрашув мисол бўлади. ШХТ Кашмир муаммоси каби кўплаб муҳим муаммоларни ҳал қилиш учун жуда яхши восита бўла олади.

Покистоннинг иқтисодий манфаатлари ШХТга аъзо давлатлар учун ўзининг Гвадар денгиз портидан энергетика ва савдо йўлаги сифатида фойдаланишни таъминлаш каби имкониятида намоён бўлади. Покистон ўзининг транспорт инфратузилмасини шакллантириш ва Қорақурум магистралини модернизация қилишда Ҳитойнинг молиявий кўмагига таянади.

Аъзо давлатларда савдо, энергетика, инвестиция, транспорт, молия, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришга жуда катта эҳтиёж мавжуд. Илгари Покистон иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда кўп жиҳатдан Ғарбга боғланган эди. Бу эса Покистоннинг ўз ташқи сиёсатини эркин ва мустақил тарзда амалга оширишига салбий таъсир кўрсатар эди. ШХТга аъзолик давлатларга ўзгача бир муқобил йўللари тақдим этиши кутилмоқда. ШХТнинг кенгайтириши бутун минтақа бўйлаб тинчлик, сиёсий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётни таъминловчи восита бўлиб хизмат қилади. Покистоннинг ташкилотга аъзо бошқа давлатлар билан фаол ва дўстона ҳамкорлиги минтақанинг тараққиёти ва ривожига муҳим ҳисса қўшади.

Ҳиндистон ШХТнинг терроризмга қарши курашиш услубларини, “бир қутбли дунё” концепциясига ва “рангли инқилоблар”га қаршилиги ғояларини қўллаб-қувватлайди, шу билан бирга ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда фаол иштирок этмоқда. Ташкилотда энергия манбаларига бой давлатлар билан бирга бундай

ресурсларга мухтож давлатлар ҳам бор. Ҳиндистон ана шундай эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда илмий-техникавий ва савдо-иқтисодий соҳада Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдордир.

Ҳиндистоннинг Россиядаги собиқ элчиси ва ONGG Limited нефть компанияси директори Аджай Мальхотра Ҳиндистоннинг ШХТ аъзолигига тўхталар экан: “Ҳиндистон ШХТга ҳеч қандай салбий мақсадларсиз очиқ ва ижобий ёндашув билан қўшилмоқда. Биз ўзимизнинг ва минтақадаги бошқа давлатларнинг ҳам манфаатларига хизмат қилувчи кўплаб имкониятларни кўриб турибмиз. Бизнинг ШХТга аъзолигимиз бутун минтақадаги давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган. Айниқса, Марказий Осиё давлатлари билан йиллар давомида синалган тарихий алоқаларимиз мавжудлиги бизнинг имкониятларимизни янада оширади”, — деган эди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ҳиндистон ва Покистонни аъзоликка қабул қилиб, ташкилотнинг имкониятларини янги босқичга кўтарди. Ҳозирда ташкилот дунё ер майдонининг 26,6 фоизига (34 млн км<sup>2</sup>), аҳолисининг 44 фоизига (3 млрд киши) ва жаҳон ЯИМнинг 24 фоизига эга бўлиб, айти вақтда Евросиё худудининг 60 % ини қамраб олган ташкилот сифатида фаолият олиб бормоқда. Энг диққатга сазовор жиҳати шундаки, ШХТ Америка Қўшма Штатлари ёки Ғарб давлатлари томонидан бошқарилмайди ва назорат қилинмайди. Ҳақиқатан ҳам, Деҳли ва Исломободнинг ШХТга тўлақонли аъзо бўлиб қўшилиши “Шанхай оиласини” жаҳондаги йирик ташкилотлардан бирига айлантирди. Бу эса, ўз навбатида, ташкилотнинг дунёдаги энг катта минтақавий бирлашма бўлишига хизмат қилди.

Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга аъзоликдан манфаатлари сифатида қуйидаги омилларни санаб ўтиш мумкин:

- Ҳиндистон ва Покистон минтақавий ҳамкорликни ШХТ механизмлари орқали амалга ошириш имконига эга бўлди;
- улар хавфсизлик соҳасида ўз манфаатларини ҳимоя қилишда ШХТ механизмларига таянишлари мумкин;
- ШХТ иккала давлатда ҳам иқтисодий тараққиётни таъминлашга кўмаклашади;
- иқтисодиёти тез суръатларда ўсаётган Ҳиндистон ШХТдан Россия ва Марказий Осиё давлатлари билан энергетик ҳамкорликни мустақамлашда фойдаланиш имконига эга бўлди;
- ташкилот Ҳиндистон ва Покистон ўртасида мавжуд бўлган худудий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишда мулоқот майдони вазифасини бажариши мумкин.

Ўзбекистонлик эксперт И.Якубов ташкилотнинг фаолияти ҳамда Ҳиндистон ва Покистон давлатларининг ундаги иштироки борасида шундай деган эди: “Ташкилотда “минтақадаги рақиблар”нинг иштирок этиши яқдил қарор қабул қилиш (консенсусга эришиш) жараёнини қийинлаштираётган бўлса-да, аммо ШХТни Марказий Осиё тузилмасидан бутун Осиё тузилмасига айлантирмоқда ва унинг глобал аҳамиятини оширмоқда”. Ҳиндистон ва Хитой ўртасидаги келишмовчиликлар ҳам ШХТ фаолиятига таъсир этмоқда. Хусусан, 2018 йилда Циндао шаҳрида бўлиб ўтган саммит якунлари бўйича эълон қилинган Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббусини Ҳиндистондан бошқа барча мамлакатлар қўллаб-қувватлашди. Расмий Деҳли Хитой лойиҳасини қўллаб-қувватлашдан бош тортар экан, нафақат Россия ва Хитойга, балки халқаро ҳамжамиятга ҳам ўзининг асосий манфаатлари бўйича ҳеч қандай мурасага бормаслигини маълум қилди.

Ўзбекистоннинг ШХТ доирасидаги ташаббуслари ва ўзаро ҳамкорликни кучайтиришдаги саъй-ҳаракатларини алоҳида қайд этиш лозим.

2020 йил 10 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўз тараққиётининг принципиал жиҳатдан янги босқичида турганини алоҳида қайд этиб, бир қатор таклифларни илгари сурди.

Президент Шавкат Мирзиёев яхши кўшничилик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш анъаналарини асраш ва кўпайтиришга чақирди. “Умумий қадриятимиз, биргаликда ривожланишга интилишимиз, маданиятлар хилма-хиллигига ҳурматимиз ифодаси бўлган кўп томонлама ҳамкорликнинг ноёб тажрибаси — “Шанхай руҳи”ни мустаҳкамлаш бугун ҳар қачонгидан муҳим” эканини таъкидлади.

Ўзаро қўллаб-қувватлаш, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кун тартибидаги асосий масалаларга биргаликда мураса излаш кенг Евросиё маконида хавфсизлик, барқарор тараққиётни таъминлашнинг бош шартидир. “Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШХТ ҳам кучли бўлади”, дея таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ШХТнинг Эпидемия таҳдидларига қарши кураш бўйича қўшма чора-тадбирларнинг комплекс режаси тасдиқлангани маъқулланиб, хавfli инфекция касалликларнинг тарқалишига қарши ҳамкорликни янада фаоллаштириш, юқумли касалликлар бўйича тиббиёт муассасалари тармоғини яратиш, телемедицина соҳасидаги ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди.

Ўзбекистон Президенти ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкилот маконида хавфсизликни таъминлаш бўйича принципиал жиҳатдан янги вазифаларни ҳал қилишга мослаштириш ҳамда ваколатли идоралар орасидаги мулоқотларни янада кўпайтириш бунга хизмат қилишига урғу бериб, саммит иштирокчиларини Афғонистондаги тинчлик

жараёнларини ва ушбу мамлакатни минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга жалб этишни қўллаб-қувватлашни таклиф қилди.

Шу муносабат билан “ШХТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тез фурсатда қабул қилиш, Афғонистонга унинг Марказий ва Жанубий Осиёни боғлаб турувчи кўприк сифатидаги тарихий ролини қайтаришга хизмат қиладиган транспорт йўлакларини барпо этиш ташаббусларига алоҳида эътибор қаратилди. Авваламбор, Афғонистондаги можарони ҳал қилишда кўмаклашиш, қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик алоқаларини йўлга қўйиш Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласи ва афғон муаммосини ҳал қилишдаги стратегик қарашларига, шунингдек давлатимиз раҳбари томонидан мамлакат ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишлари аниқ белгилаб олинганига асосланади.

Айнан ШХТ саммитида Ўзбекистон ташаббуси билан 2021 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” халқаро конференциясини ҳамда 2021 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятининг 20 йиллиги нишонланадиган муҳим сана арафасида “ШХТнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги роли” халқаро форумини ўтказиш таклифлари билдирилганди. Шунингдек, Бош вазир Н.Модининг 2022 йил сентябрда Самарқандда давлат раҳбарларининг учрашувида иштироки ва Президент Мирзиёев 2023 йил июл ойида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг виртуал йиғилишида иштирок этди. Икки томонлама муносабатларда сиёсий ва стратегик масалалар, мудофаа ва хавфсизлик, савдо-сармоявий, энергетика, қишлоқ хўжалиги, илмий-техникавий ва таълим соҳаларини масалалар муҳокама этилди.

## ХУЛОСА

**Хулоса** қилиб айтганда, Ҳиндистон ва Покистоннинг ташкилотга тўлақонли аъзолар сифатида қабул қилиниши ҳар икки томондан янада маъсулиятли, ўзаро ҳамжиҳат бўлишни ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти талабларига мослашишни талаб этади. Ушбу давлатлар ШХТга қабул қилинганидан сўнг ўзаро тинчликда ҳамкорликни амалга ошириши ташкилотнинг нуфузи янада ошишига сабаб бўлишини унутмаган ҳолда фаолият юритиш лозим бўлади. Айнан шу жиҳатлар кейинчалик ташкилотга бошқа аъзоларни жалб қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Нафақат икки давлат ўртасидаги, балки минтақанинг барча давлатлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда, шу билан бирга пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишда ШХТнинг музокаралар майдони бўла олишини таъминлашда барча давлатларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати лозимлиги яққол намоён бўлмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Сирожов О. Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари: Сиёсий фанлар д-ри ... дис. — Т., 2018. — Б.115.
2. Якубов И. Индия и Центральная Азия: тернистый путь сотрудничества. URL: <https://cabar.asia/ru/indiya-i-tsentralnaya-aziya-ternistyj-put-sotrudnichestva> 06.02.2020
3. Arhama Siddiqa. Significance of the Shanghai Cooperation Organisation (SCO) for Pakistan Institute of Strategic Studies. // URL: <https://issi.org.pk/>
4. Dr. Zahid Ali Khan. Pakistan and Shanghai Cooperation Organization IPRI Journal XIII, no. 1 (Winter 2015): 57–76.
5. Эксперты прокомментировали вступление Индии в ШОС. // URL: <https://ria.ru/world/20170609/1496222415.html>
6. Atia Ali Kazmi. Shanghai Cooperation Organization and Emerging Geopolitics Global Think Tank Network. // URL: <https://globalthinktanksummit.org>
7. Тимошенко В.Н. Шанхайская организация сотрудничества: восток против запада? // Ученые заметки ТОГУ. — 2017. — Т. 8. — № 1(2). — С. 38–44. (Электронное научное издание)
8. Кулинцев Ю.В. Расширение состава Шос и мотивы новых участников. Проблемы и перспективы реализации инициативы «Экономический пояс Шелкового пути» в контексте ШОС / Отв. ред. сост. В.А. Матвеев. — М.: ИДВ АН, 2017. — С. 97.
9. Bilateral: India-Uzbekistan Relations <https://eoi.gov.in/tashkent/?2615?000>